MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ЎҚИНГ СОҲДА:
2 ИЛКИМИЗДАГИ ИМКОНЛАР
ХОЛИСЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИ
4 БИР ҲОВЛИ МОЖАРОСИ
ҚИРҚ ЙИЛДА ҚАЙТГАН ҚАСОС

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 29 (435)
2005 йил
9 август
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари киритилганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхасини, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари тартиб рақами, фамилиялар, ҳар бир ходимнинг ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақи суммаси, бошқа даромадлари ва жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси кўрсатилган ходимлар реестрини иш берувчи ўзи турган жойдаги Халқ банки филиалига ҳар ойда тақдим этиши шарт.

Халқ банки ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тўлов ҳужжати ва реестр асосида маблағларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказади.

«ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 15-МОДДА.

ЖАМИЯТИМИЗ МАҚСАДИ: ИНСОНПАРВАРЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА АДОЛАТ



Инсоннинг яшаш ҳуқуқи — қадим-қадимдан олиму фозилларда, ҳуқуқшуносу адибларда, давлат арбоблари-ю оддий фуқароларда ғоятда қизғин муносабат уйғотиб келган долзарб масала саналади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, ўлим жазоси мақсадга нечоғли мувофиқлиги борасида барча замонларда жиддий мунозара бўлиб келган. XIX асрга келиб ўлим жазоси масаласида кўзланган турли мунозаралар натижасида бир қатор мамлакатларда бу жазо тури бекор қилинди, айримларида уни қўллаш чекланди. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб эса, халқаро ҳамжамият томонидан инсон ҳуқуқлари, аввало, унинг яшаш ҳуқуқи устуворлиги қайд этилган муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган кенг кўламдаги ислоҳотлар жиноий жазо тури сифатида ўлим жазосини бекор қилишнинг ҳуқуқий заминини яратиб берди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида Президент Ислом Каримов бу масалага алоҳида тўхталиб: ***«Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир»****, деб таъкидланганди.*

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ***«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»****ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармоннинг эълон қилиниши мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаси — жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириб бориш йўлидаги жуда муҳим ва дадил қадам бўлди.*

Президент Фармони бўйича билдирилаётган фикр-мулоҳазалар, муносабатлар ғоятда қизғин тус олаётир. Буни таҳририятимизга келаётган хат-хабарлар, ахборот ва мақолаларда ҳам кузатса бўлади. Албатта, жамоатчиик мазкур Фармонга муносабат билдириб ёзган фикр-мулоҳазаларини газетамизнинг келгуси сонларида изчил ёритиб боришни режалаштирганмиз. Ушбу сонда эса ***«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»****ги Президент Фармонининг мақсади, ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган давра суҳбатини эълон қилаяпмиз. Суҳбатда ҳуқуқшунос олимлар, тадқиқотчилар Фармон юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишади. Умид қиламизки, давра суҳбати иштирокчиларининг мулоҳазалари ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишларига хизмат қилади.*

ЯШАШ ҲУҚУҚИ – УСТУВОР ҚАДРИЯТ

Мустақилликка эришилгандан буён ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда демократик тамойилларни кенг жорий этишдек тарихий шарт-шароит яратилди. Истиқлол яратган ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий имкониятлар Ўзбекистонда ҳақиқий демократияни қарор топтиришнинг кафолатига айланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони жамиятимизнинг янада демократлаштиришнинг яна бир яққол ифодаси бўлди.

Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Б.М.Мустафоевга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди.

— Бўритош Мустафоевич, Сиз малакали юрист, мустақиллик даврида яратилган жиноят қонунчилигининг фаол иштирокчиси сифатида мазкур Фармоннинг айнан бугун, яъни истиқлолнинг ўн тўрт йиллиги байрами арафасида эълон қилинишини қандай изоҳлайсиз?

— Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари мамлакатимизда энг устувор қадрият ҳисобланади. Буни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида яратилган ўнлаб кодекслар, қонунлар, фармон ва қарорлар, қоларверса, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар яққол тасдиқлайди. Президентимиз ташаббуси билан иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 6-сессиясида қабул қилинган ва 2001 йил октябрь ойида амалга киритилган **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал ҳам Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун суд-ҳуқуқ тизими соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг ҳақиқий намунаси бўлди.

Президентимиз шу йил 1 августда имзолаган **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги Фармонни ўз навбатида, мустақиллик йилларида изчил олиб борилган ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнининг мантиқий давоми, деб тушунишимиз лозим. Зотан, Ўзбекистон мустақил тараққиётга қадам қўйган дастлабки йилданоқ бу муаммони ҳал этиш устувор вазифа деб ёндошмоқда. Ўтган ўн тўрт йил мобайнида жиноий жазо тизими мунтазам, босқичма-босқич либераллаштириб келинди. Эътибор беринг, Конституциямизнинг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти олий қадрият, дея уқтирилади, 24-моддада эса яшаш ҳуқуқи инсоннинг узвий ҳуқуқи экани таъкидланади.

Агар эсласангиз, 1995 йил 1 апрелгача мамлакатимизда амалда бўлган Жиноят кодексида 33 турдаги жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган эди. Янги Жиноят кодексида бундай жиноят турларидан фақат 13 таси қолди. Жиноий жазони либераллаштиришга қаратилган изчил ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида 1999 йилдан 8 хил, 2001 йилдан 4 хил ва ниҳоят, 2003 йилдан атиги 2 хил жиноятлар учун ўлим жазоси кўзда тутилди. Ҳозир ўлим жазоси фақат айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланиши мумкин, холос.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида жазолар тизимидан ўлим жазосини олиб ташлаш масаласини ҳал этиш зарурлигини уқтириб ўтган эди.

Дарҳақиқат, ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ муаммо етилган ва уни қонуний йўл билан ҳал этиш лозим эди. Президент Фармони бу ишни амалга оширишга ҳуқуқий асос беради ва мамлакатимиз қонунчилигида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва инсонпарварлаштиришга қаратилган пухта замин яратади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўлим жазосини бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида назарда тутилган ҳар бир инсоннинг яшашга бўлган узвий ҳуқуқини амалга ошириш, Жиноят кодексининг 7-моддасига мувофиқ жиноий жазо тайинлашда инсонпарварлик принципини қўллаш, Жиноят кодексининг 42-моддасида назарда тутилган содир қилган жинояти учун судланган маҳкумни ахлоқан тузатиш билан бевосита боғлиқ.

Шунингдек, ўлим жазосини бекор қилиш халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигида тадбиқ этишдир.

— Мазкур Фармон билан 2008 йил 1 январидан ўлим жазосига барҳам берилади. Оралиқ муддат, Сизнингча, тегишли тайёгарлик ишлари учун кўпми ёки камми?

— Инсон ҳуқуқи, бир қарашда оддийдек туюлгани билан, аслида ўта мураккаб масала. Бу масалани муваффақиятли ҳал қилиш фақат ҳокимиятга эмас, балки жамиятнинг қай даражада тараққий этганига, унинг ҳуқуқий маданияти даражасига ҳам боғлиқ. Юксак ривожланган давлатлар бу имкониятга асрлар давомидаги изчил ҳаракатлари натижасида эришганлар. Уларнинг тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, биринчи навбатда, ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида жамоатчиликда ижобий фикр шаклланиши керак. Иккинчидан, шунга мувофиқ қонунчилик базаси яратилиши зарур. Хабарингиз бор, мустақиллик йилларида бундай қонунчилик базасини яратиш йўлида жуда кўп ишлар бажарилди.

Жумладан, Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқларига доир олтита асосий шартномасини ратификация қилди ва улардаги қоидаларнинг бажарилишига доир ўзининг миллий маърузаларини тақдим этди. Халқаро мажбуриятлар доирасида умумэътироф этилган демократик меъёрларни қарор топтиришга қаратилган чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилаётир.

Хусусан, миллий қонунчилик меъёрлари халқаро шартномаларнинг асосий қоидалари билан мувофиқлаштирилмоқда. Парламентимиз томонидан ўтган ўн тўрт йил мобайнида қабул қилинган 15 та кодекс ва 415 та қонун инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларнинг асосий қоидаларига мослаштирилган.

(Давоми учинчи бетда)

ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ



Омон ОҚЮЛОВ, юридик фанлари доктори

Албатта, ҳар қандай қонун ва фармон, қарор ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат, аввало, давр, шарт-шароит тақозосидан келиб чиқиб қабул қилинади. Бунинг учун мамлакат ҳаётида, жамиятда ана шундай ҳужжатга ижтимоий, маънавий эҳтиёж туғилиши лозим бўлади. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони Ўзбекистонда истиқлол йиллари муваффақият билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижаларидан келиб чиқиб ташланган йирик ва дадил қадам бўлди.

Дарҳақиқат, Фармонда шундай таъкидланади: **"Айни вақтда, мамлакатда амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилиши зарурлигини тақозо этмоқда".**

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар пировард натижада одамларда демократия қўнникмасини тарбиялашга, демократияни ўз-ўзича ишлайдиган тизим сифатида юзага келтиришга қаратилган. Ушбу эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларимизда ҳуқуқий ислоҳотларнинг аҳамияти жуда муҳим. Табиийки, демократия қандайдир бир ашё эмас, уни ҳис этиш керак, ҳис қилиш учун эса муайян муҳитда яшаш лозим.

Аллақандай хорижлик мутахассиснинг узоқда туриб, Ўзбекистонда демократия бор-йўқлиги ҳақида хулоса чиқариши мутлақо мантиқсизликдир. Бизда демократиянинг амалда мавжудлигини мамлакатимиз фуқаролари сайлаш, сайланиш ҳуқуқлари орқали давлатни бошқаришда кенг иштирок этаётганида ҳам кузатиш мумкин. Айни пайтда фуқаролар сиёсий институтлар орқали мамлакатда ҳуқуқий ислоҳотларни боришига, ривожига бевосита таъсир кўрсата оладилар. Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги Фармони юртимизда мустаҳкам демократик анъаналар шаклланаётганидан далолатдир.

Ушбу Фармон ўз-ўзидан эълон қилингани йўқ, ўлим жазосига муносабат масаласи ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турли баҳс-мунозараларда муҳокама қилиб келинди, илмий асарларда таҳлил қилинди. Кейинчалик бу масала жамоатчилик ўртасида мулоҳаза этилди. Дастлаб аҳолининг баъзи қатламлари ўлим жазоси бекор қилиниши оқибатларидан хавотирини билдиришди. Ўлим жазосига жиноятчиликни тийиб турувчи, олдини олувчи омил сифатида қарашнинг йиллар давомида одамлар онгига сингиб кетгани ана шундай хавотирларнинг сабабидир. Бироқ жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнининг илк натижалари кишиларда жиноят қонунларининг самарадорлиги жазони қаттиқлигида эмас, балки адолатлилигида, ҳуқуқбузарга ўз қилмиши оқибатларини бартараф қилишга, тузалиш йўлига киришига имкон беришда эканини кўрсатди. Ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ масалада жамоатчилик бемалол ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён этаётгани ҳам мамлакатимизда демократик муҳит барқарорлигидан далолат беради. Билдирилаётган турли-туман мулоҳазалар нафақат омма фикрининг ифодаси, балки келгусида сайқалланиб қонун нормаси шаклига кирадиган халқ иродасининг ифодасидир. Президент Фармони мазкур масалада ана шу жараённи бошлаб бергани, унга туртки бергани билан ҳам ғоят қимматлидир.

Ушбу мавзуга оид мақолаларни 3-саҳифада ўқишингиз мумкин

Munosabat

Яқинда Скодланд-Ярд вакиллари Лондонда содир этилган террорчилик хуружлари ҳақида эътиборни тортадиган баёнот билан чиқишди: "Бу мутлақо кутилмаган ҳодиса бўлди. Шу кунгача биз кейинги йилларда эришишга муваффақ бўлинган ютуқ билан ғурурланиб келдик, бироқ энди ортга қайтиб иш кўришимизга тўғри келади", дейилади баёнотда.

СКОТЛАНД-ЯРДГА ҚАРШИ

ёхуд давлат хоинлиги анъаналари

Бу баёнотда британ аксилтерроррчилик бўлинмаларининг айнан яқинда қўлга киритган ютуқларига ишора қилинаётгани факти ғалати туюлади. Шу билан бирга, полиция ходимлари оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бир хабар — яъни ўша машъум пайшанбада Лондондаги Исроил элчихонаси террорчилик хуружи эҳтимолидан Скотланд-Ярдни огоҳлантиргани ҳақидаги хабарни мутлақо инкор этишга шошилдилар. Бу нимадан дарак беради — ҳийла-найрангданми ёки британ полицияси фаолиятида ишкаллик борлигиданми?

Бирлашган Қироллик фуқаролари яқин-яқинларгача ўзларини нисбатан хотиржам ҳис этишарди. Бу туйғу кенг тарқалган — "яхши йигитларни портлатишмайди", деган самимий ишончга йўғрилган ўртаҳол инглизнинг юзаки тушунчасига асосланганди. Гўё террорчилар билан британ расмий тизимлари ўртасида аллақандай пинҳона "ҳужум қилмаслик шартномаси" амал қилади, деган миш-мишлар аслида унчалик ҳам ёлғон гап эмаслиги аён бўлди. Расмий Парижнинг британ ҳукумати томонидан экстремистик ташкилотларга тоқатли муносабат кўрсатиб келинаётгани йўл қўйиб бўлмайдиган сиёсатлиги, бундай сиёсат терроризм билан келишиб иш кўришнинг ўзига хос шакли эканига доимий тарзда ишора қилаётгани ҳам ана шу хавфнинг мавжудлиги ҳақида эндиликда жиддий туриб гапиришга туртки беради.

Шу ўринда тан олиб айтиш лозимки, террорчилар учун "тўлатўкис қулайлик тартиби" кеча пайдо бўлгани йўқ. Халқаро терроризм авж олган даврдан анча олдин, британларни Ибн ал-Ваҳҳоб ҳаракати молиявий таъминланган XVIII асрдан бошлаб токи Лоуренс Арабийнинг муваффақиятларигача Буюк Британиянинг сиёсий ислом юзага келаётган мусулмон Шарқидаги мамлакатлар ўртасида обрўси фақат мустаҳкамланди.

Нью-Йоркдаги осмонўпар эгизак биноларга ва Пентагонга террорчилар томонидан эгалланган самолётларнинг ҳужумигача Британияда бўлаётган кирдикорлар кўпчиликни қизиқтирмади. Бироқ 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан сўнг Қўшма Штатлар ўзининг аксилтеррор бўйича асосий ҳамкорига кўпроқ босим ўтказа бошлади, Лондонни британ исломчилари марказларининг фаоллашишни давом эттираётган ҳаракатларига эътибор қаратишга даъват қилди. "Сэм тоға"нинг бу имо-ишоралари, маълум сабабларга кўра, Лондон учун унчалик фойдали эмас эди. Шу боисдан ҳам британ аксилтеррор бўлинмаларининг саъй-ҳаракатлари узоқ вақт хабардор бўлиб туриш характеридан нарига ўтмади.

2003 йилдан бошлаб британ махсус хизматлари аста-секин "пинҳона шартнома"нинг яроқсизлигини англай бошлашди. Полиция қўламли аксилтеррор сиёсатини олиб бориш ҳаракатига тушди. Британ мажбуриятида 2004-2005 йиллардан омадсиз террорчиларнинг ва уларнинг етакчиларини ҳибсга олингани ҳақида хабарлар пайдо бўла бошлади. 2003 йилдан бошлаб Финсбери-паркдаги мачитнинг барча кўзга кўринган руҳонийлари қамоққа олинди. 2004 йилнинг март ойида Лондон полицияси бу шаҳарда амалга оширилиши мўлжалланган террорчилик ҳужумларининг олдини олганини ҳозир камдан-кам одам эсласа керак. Бу хуруж Мадрид темир йўлларидаги портлашларнинг давоми бўлиши мумкин эди. Ўшанда юзлаб одам терговга тортилганди.

Ўша йилнинг ноябр ойида Буюк Британия махсус хизматлари томонидан яна бир — "Ал-Қоида"нинг Нью-Йоркдаги осмонўпар биноларга уюштирган ҳужумидай йирик террорчилик ҳужумини бартараф этилди.

Бироқ 2005 йил март ойига мўлжалланган парламент сайловларига қанчалик оз фурсат қолгани сайин, Лондон полициясидан тепадагиларнинг норозиликлари ортиб борди. Скодланд-Ярднинг Британияда 2001 йил 11 сентябр воқеалари такрорланиши хавфи борлиги ҳақидаги тарқатган баёнотларига 2004 йил охиридан бошлаб расмий манбалар елка қисишиб жавоб қилишди ва бундай хабарлардан ажабланишаётганини изҳор этишди. Лейбористлар партияси ва Британиядаги бир қатор йирик ислом ташкилотлари билан мустаҳкам алоқада бўлган "фуқаролар ҳуқуқи лоббиси" парламентга тақдим этилган терроризмга қарши кураш бўйича қонунлар кодексини кескин танқид остига олди.

Аксилтеррор қонунчилигини ишлаб чиққанлар 2005 йили либерал кайфиятдаги жамоатчиликнинг босими остида ўз позицияларини йўқота бошлашди, улар қонунлардаги бир ҳолатни кучайтириш учун бошқа бир ҳолатни юмшатишга мажбур бўлишди. Янги қоидаларга кўра, терроризмда гумон қилинганларни айби бўйнига қўйилмай қамоқда сақлаш мумкин эмас. Бироқ уларга айрим кишилар билан учрашиш тақиқланиши, эркин ҳаракатланиши чегараланиши ёки уларнинг ортидан электрон асбоблар ёрдамида кузатув олиб борилиши мумкин. Олдинлари бундай чоралар Иммиграция тўғрисидаги қонунда қайд этилган бўлиб, фақат хорижликларга нисбатан қўлланиларди. Энди эса мазкур қоидаларни Буюк Британия фуқароларига ҳам қўллаш тавсия этилдики, бу ҳолатда ҳукумат гумондорнинг ҳақиқатан ҳам жиноят содир этганини исботлаши шарт бўлмайди. Оёққа турган британ жамоатчилиги таклиф этилган бу аксилтеррор қонунчилигини инсон ҳақ-ҳуқуқларини оммавий тарзда бузиш, дея баҳолади.

Ички ишлар вазири Чарлз Кларк муроса чораси сифатида терроризмда гумон қилинганларни уй қамоғида сақлашни таклиф қилди. Аввалларида бундай ҳолатларда гумон қилинганлар дарҳол қамоққа олинарди. Бироқ Британия олий суди барибир Кларкнинг таклифини рад этди ва уй қамоғида сақлаш чорасини британ қонунчилигига ва инсон ҳуқуқларига зид, деб топди.

Британ ҳукуматининг ўз мамлакати ичида ҳам ҳеч иккиланмай фойдаланадиган машҳур "икки хил стандартлар" сиёсати охир-оқибат палахмон тоши каби айланиб ўзига қайтди — давлатнинг аксилтеррор сиёсатида яқинда эришган барча ютуқларини йўққа чиқарди. Лондон полициясининг тушунарсиз жимлиги ва фаолиятсизлиги, парламент текширувини бошлашдан воз кечилгани, британ оммавий ахборот воситаларидаги ахлоқий цензура — булар барчаси бир қарашдаёқ давлат хоинлигининг кўламли сиёсатини англатадики, бу ҳолат британ махсус хизматларига ҳам юкди. Лондон полициясининг комиссари Ян Блэрнинг хорижий матбуот уюшмаси олдида 14 июл куни қилган чиқишида айтган қуйидаги гапи ҳам бунинг яққол далилидир: "Либерал демократик жамиятда худкуш-террорчи бўлишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Террорчилик хуружларини амалга оширганлар бу ҳаракатни ўзлари танлаганлар".

Инглизлар, барибир, жуда қобилиятли миллат эканликларини, ўз хатоларидан хулоса чиқариб иш юрита билишларини намоён этишди. Англия шаҳарларида олиб борилган кенг миқёсли тинтувлар пойтахт ҳокими Кен Ливингстоннинг шов-шувли баёноти билан бир вақтга тўғри келди: "Биз бу одамларга, улар русларни ўлдираётган пайтда, пул берган эдик. Биз, улар русларни ўлдиришни тўхтатганидан кейин, бизни ўлдира бошлаши ҳақида ўйламадик". Ливингстоннинг бу гапи кейинги йилларда ҳукумат олиб бораётган террорчиларга ён босувчи ички сиёсатдан инглиз фуқароларининг норозилигини ҳам акс эттиради.

Дмитрий ДАНИЛОВ

Манба: АПН

Farmon va ijro

ХОЛИСЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИ

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига иқтисодимиз асоси, фаровон ҳаёт манбаи деб қаралиб, бу фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя этишга хизмат қиладиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилмоқда. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.



Мазкур Фармонга мувофиқ, шу йилнинг 1 июлидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятларини тугатиш, тўхтатиб қўйиш, банкдаги ҳисоб варақлар бўйича амалга ошириладиган операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензияларини ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилинишини тугатиш суд тартибида амалга ошириладиган бўлди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, бу тартиб тадбиркорларга қандай қулайлик яратади?

Шуни таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган ҳуқуқий чораларнинг аксарият қисми ушбу Фармон қабул қилингунга қадар бевосита назорат идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан амалга ошириларди. Табиийки, бундай вазиятда холислик ва адолатни тўлиқ таъминлашнинг имкони йўқ эди. Нега деганда, тадбиркорнинг фаолиятини текширган назорат идорасининг ўзи жазо чорасини қўлларди. Қолаверса, бундай вазиятда тадбиркорлик субъекти ўзининг қонуний манфаатини ҳимоя қилиш учун адвокатлар хизматидан фойдаланиш имкониятига ҳам эга эмасди.

Президентимиз Фармони билан ана шу ҳолатга барҳам берилди. Яъни бундан буён тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) фақат солиқ хизмати идоралари, агар текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланса, Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилади. Давлатимиз раҳбарининг Фармони қабул қилинганга қадар бир корхонада, бир пайтнинг ўзида солиқ идораси ҳам, СВОЖҚК Департаменти ҳам бир хил масалада текшириш ўтказиши мумкин эди. Табиийки, бу текширишлар сонининг ўсиши, такрорийлик вужудга келиши ва текшириш муддатини асоссиз равишда чўзилиб кетишига олиб келарди. Бундан эса тадбиркор катта зарар кўрарди.

Янги тартибга кўра, текшириш жараёнида тадбиркорлик субъектининг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларигина текширилади. Назорат қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлик субъектларидан текширишга таллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилишига йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, назорат идораларининг раҳбар ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ваколатлари доирасидан ташқари масалалар юзасидан ҳар қандай текшириш ўтказгани учун шахсан жавобгарлиги ва ҳатто, жиноий жавобгарликкача тортилиши муқаррарлиги Фармонда белгилаб қўйилган. Бу эса ҳаётимизда ижтимоий адолатни қарор топтиришга хизмат қилади. Ҳеч кимга сир эмаски, шу пайтгача тадбиркорга етказилган зарар зарарни етказган давлат идораларига ажратилган маблағ ҳисобидан қоплаб келинарди. Аниқроқ айтганда, бирон-бир мансабдор шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракати, давлат идорасининг нотўғри қарори учун айбдор шахс ёки идоралар четда қолиб давлат жавобгар бўлиб қоларди. Эндиликда бу масалага ҳам тўлиқ ойдинлик киритилди.

Яъни бундан буён етказилган зарар суд қарори асосида, зарар етказган идоранинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан ундирилади. Хусусан, айбдор идораларнинг мансабдор шахсларига суд қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда юклатилади. Бу эса эркин тадбиркорлик фаолияти кафолатини таъминлаш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлида учрайдиган тўсиқларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода Президентимизнинг ушбу Фармони ҳаётимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини янада шакллантириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Сафар ТОҒАЕВ,
Самарқанд вилояти

Muloqot

ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН

Яқинда мен бир масала юзасидан тегишли идорага мурожаат қилган эдим. Бироқ бу мурожаатимга жавоб ололмадим. Бунинг устига мурожаатимга кечикиб бўлса-да, икки энлик жавоб йўллашни лозим топишмади. Айтмоқчиманки, қонунда тегишли муассасаларга бирор масала юзасидан мурожаат қилинганда, бу мурожаат қанча муддатда кўриб чиқилиши белгилаб қўйилгани ми? Агар бу муддат бузилса, мутасадди шахсларга нисбатан ҳам қонуний чора кўриладими?

Отабек Самадов
Тошкент вилояти

— Ҳа, қонунда фуқароларнинг мурожаатига жавоб бериш муддати аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасида фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади, дейилган.

Ариза ёки шикоятлар масалани ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат идораси раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

Агар фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби мутасадди ходимлар томонидан бузилса, уларга нисбатан ушбу қонуннинг 24-моддасига мувофиқ жавобгарлик масаласи кўрилади. Ушбу моддада "фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик, фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, фуқароларни мурожаат қилгани учун таъқиб қилиш, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади".

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу борада "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги ва Жиноят кодексларида жавобгарлик масаласи белгиланган. Биргина Жиноят кодексини олиб кўрадиган бўлсак, унинг 144-моддасида фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик масаласи назарда тутилган. Жумладан, "мурожаат кўриб чиқилишини асоссиз рад этиш, мурожаатни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилиш ёхуд фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этиш, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказадиган ҳолда бузиш ҳолатларида ушбу моддани 1-қисми бўйича жавобгарлик масаласи кўрилади.

Фуқарони давлат органига, корхона, муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмасига мурожаат қилганлиги ёки мурожаатда баён этилган танқид, шунингдек, бошқача шаклда танқид қилгани учун мансабдор шахс томонидан таъқиб қилиш оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланиб, ушбу моддани 2-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Демак, бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланган.

Саволга ҳуқуқшунос С. НИЁЗОВА жавоб берди

Dakki

МИСИ ЧИҚҚАН ТЕКШИРУВ

Узунлик Нуриддин Аҳмедов тадбиркорлик билан шуғуланишга бел боғлаб, яхши ният билан тумандаги механизациялаштирилган кўчма жамламага қарашли, айни пайтда, фойдаланилмаётган ошхонани ижарага олди. Тадбиркор бинони қўлидан келганча таъмирлади, кейин бу ерда яхна ичимликлар ишлаб чиқарувчи кичик цехни ўрнатиб, ишга туширди.

Тадбиркорга қарашли цех биноси кўчма жамлама ҳовлисида жойлашгани боис, цехдаги барча асбоб-ускунага уланган электр токи тармоғи жамлама корхонасида ўрнатилган электр ҳисоблагич орқали ўтган. Табиийки, "Камалак" номли хусусий фирма билан МЧЖ ўртасидаги тузилган шартномага кўра, фирма электр харажатларини жамламага тўлаб бориши қайд қилинган. Шартномага мувофиқ хусусий фирма ойма-ой фойдаланган электр қуввати тўловларини МЧЖга тўлаб борган. Хуллас, тадбиркор Н.Аҳмедовнинг ишлари йўлга тушиб бораётганди. Бироқ шу йилнинг 21 июн кунида цех фаолияти қутилмаганда тўхтаб қолди.

Ўша куни "Камалак" хусусий фирмасига қарашли яхна ичимликлар ишлаб чиқараётган цех биносига Узун туман электр тармоғининг инспектори Шавкат Маҳмудов қадам ранжида қилди. У бинога кирганда бир бурчакда шиша идишларни юваётган қизалоққа кўзи тушди ва фирма бошлиғини чақириб беришини сўради. Бироздан сўнг унга рўпарў бўлган аёл цех турмуш ўртоғи Н.Аҳмедовга тегишли эканини, айни пайтда, у киши иш билан шаҳарга кетганини айтди.

Инспектор корхона бошлиғининг иштирокисиз электр ўлчагич асбобларини кўздан кечириб, улар лаборатория текширувчилари назоратидан ўтмаганини айтди. У бу билан чекланмай далолатнома тузиб, хусусий фирма рухсат олмаган ҳолда электр қувватидан фойдаланган, шу сабабли 273 минг 490 сўм миқдорида жаримага тортилиши лозим, деб ҳужжат расмийлаштирди. Бироқ текширув ҳақида **"Текширишларни рўйхатга олиш китоби"**га қайд қилишни "унутган" инспектор бир йўла электр ўлчагич асбобини ҳам ечиб олиб кетди.

Тадбиркор Н.Аҳмедов фирмага қайтиб келгач, цехнинг тўхтаб қолганини кўриб, тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. Устига устак ток ўлчагич асбоб ечиб олинганди. Суриштириб текширув ўтказилгани ҳақида бирон жойда қайд қилинмаганини аниқлади. Бир неча бор Узун туман ТЭТ бошлиғи Хазратқул Салимовга учрашиб, электр тармоғини улаб беришни, ҳозирги аҳволда фирмаси кўп миқдорда зарар кўраётганини айтди. Бироқ ТЭТ бошлиғи ҳам, инспектори Ш.Маҳмудов ҳам тадбиркорнинг мурожаатига парво қилишмади. Шу тариқа тадбиркор бу идоранинг йўлини чуқур қилиб туман ТЭТ корхонасига бўзчининг мокисидек бир ойга яқин қатнади. Югур-югурдан ҳеч қандай натижа чиқмагач, вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Адлия бошқармаси ходимлари туманга келиб содир этилган қонунбузарликни атрофлича ўрганишди. Натижада туман ТЭТ корхонаси инспектори ўша куни тузган жаримага тортиш ҳақидаги далолатномани ҳеч қаерда қайд қилинмагани аён бўлди. Ҳатто у далолатноманинг асл нусхасини топиб беролмади ҳам.

Тадбиркорнинг аризаси юзасидан тўпланган ҳужжатлар судга ошириларди. Яқинда жиноий ишлар бўйича Узун туман суди ҳуқуқбузар инспектор Шавкат Маҳмудовнинг ноқонуний текширувларига нуқта қўйди ва уни маъмурий жазога тортди. Тадбиркор ҳақ-ҳуқуқлари тикланди, сохта текширувнинг миси чиқди. Бироқ...

Бу қонунбузарлик оқибатида йигирма бир кун давомида цехини ишлатолмаган тадбиркор моддий зарар кўрди, оворагарчиликлар оқибатида асаби бузилди. Ўйлайимизки, тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган бундай қонунга хилоф қилғиликлар ўз вақтида бартараф этилиб борилса, сохта текширувчилар сафи ҳам тугатилади.

Собир КАРИМОВ,
вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Bugunning gapi

ИЛКИМИЗДАГИ ИМКОНЛАР

Мамлакатимизда тадбиркорлик хусусийлаштириш тадбирининг мевасидир. Тадбиркорлик хусусий мулк туфайли пайдо бўлди. У тадбиркорликни юзага келтирибгина қолмай, ушбу ҳаракатнинг тараққиётини ҳам таъминлади. Шу боис бу ҳаракат қисқа фурсатдаёқ ўзини оқлади ва жамики афзалликларини тўла намоён этди.

Мамлакатимизда бугунги кунда миллий бойликнинг асосий қисми тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилаётгани ҳам бу фикрнинг исботидир. Аммо бу борадаги бунёдкорликлар ўз-ўзидан амалга ошмаслигини яхши биласиз. Бироқ шуни очиқ эътироф этишимиз зарурки, давлатимиз ҳам, Президентимиз ҳам тадбиркор тараф. Қонунлар, фармонлар ва қарорлар доимо тадбиркорнинг манфаати, жабҳа равнақини кўзлайди. Мен Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил июн ойида қабул қилинган мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган учта фармони ва битта қарорини ушбу ҳаракатга дахлдорлигим боис синчиклаб ўқиб-ўрганиб чиқдим.

Чунончи, давлатимиз раҳбарининг **"Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони тадбиркорлик ҳаракатининг ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлаш гаровига айланган бўлса, **"Тадбиркорлик субъектлари томонидан такдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"**ги қарор ушбу ҳаракат қатнашчиларини турли нокерак идоравий қоғозбозлик ва ҳужжатбозликлардан ишончли тарзда ҳалос этаяпти. Бу каби имтиёз ва эркинликларни **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"** ҳамда **"Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"**ги Фармон мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мен — фермерман ва бу билан ҳақли равишда фахрланаман. Менимча, фермернинг умри турли идораларда, қоғоз ва ҳужжатлар орасида эмас, аксинча, у доимо ўз хўжалигида, қадрдон даласи ёки фермасида бўлиши керак. Шу боисдан ҳам уни баъзида бўлаётганидек, ёмонотлиққа чиқариш, худабехудага тергаш, текшириш, изоҳ талаб қилиш, турли маҳкамалар ўртасида сарсон-саргардон этишдан тийилмоқ зарур. Кимки мамлакат ва халқ манфаати учун қайишмоқни ният қилган бўлса, деҳқон-фермерга ишлаш, эл-юрт дастурхонини тўкин этиш учун имкон берсин. Деҳқон қайси далада нима униши-ю, нима унмаслиги, қайси экин кўпроқ, қайсинисини эса оз самара беришини яхши билади. Демак, замин соҳибига кўпроқ эркинлик зарур. Уларни айрим амалдорларнинг ноўрин ва ноқонуний хатти-ҳаракатларидан муҳофаза қилиш эса шу қуннинг долзарб вазифаси.

Юқорида зикр этилган фармон ва қарорлар шарофати билан деҳқон дилидаги кўпгина орзу-ниятлар рўёбга чиқиши шубҳасиз.

Бизнинг фермер хўжалигимиз амалдаги йилнинг дастлабки неъмати-ғалладан мўл ҳосил олдик. Бу юқори ҳосил ва мўмай даромадга фермерлик фаолияти учун яратиб берилган имкон ва имкониятлар туфайли эришаяпмиз. Ҳа, имкон бўлса иш ҳам, натижа ҳам бўлади. 2004 йили буғдойзорларнинг ҳар гектаридан 40 центнер хирмон кўтарган эдик. Бу йил ҳосилдорликни яна 10 центнерга ошириш ва ялпи хирмон салмоғини 42 тоннага етказишга муваффақ бўлдик. Буни қарангки, етиштириб топширган ҳосилнинг 21 тоннаси ўзимизга қолдирилди. Бундай миқдордаги ғалла билан бозорни ҳам, рўзғоримизни ҳам тўкин эта оламиз. Боз устига фермер хўжалигимизнинг харажатлари ҳам тўла қопланди. Бунинг шарофатидан келгуси йили буғдой ҳосили етиштириш билан боғлиқ имконларимиз янада ортади. Президентимизнинг доимий ғамхўрлиги ва албатта, таъкидланган фармон ҳамда қарорлар бунга кафил бўлади. Шуларни назарда тутиб, бу йил кузда ғалла майдонларини яна бирмунча кенгайтириш чораларини ишга солаяпмиз.

Қодир ОЛЛАБЕРГАНОВ,
Хоразм вилоят Боғот туманидаги
"Қодир-хожи-Фағила"
фермер хўжалиги бошлиғи

Huquqiy savodxonlik sari

ҚАРЗ ШАРТНОМАСИ

У ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Ҳозирги пайтда фуқаролар ўртасида ўзаро қарз бериш — қарз олиш, аксарият ҳолларда келишув билан ҳал этилади, ҳеч қандай ёзма ҳужжат тўлдирилмайди. Аслида эса, Фуқаролик кодексининг 733-моддасида фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, қарз суммаси ойлик энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, ёзма шаклда тузилиши шартлиги таъкидланган. Акс ҳолда, бировнинг лафзига ишониб, чув тушиб қолиш ёки яхшилик қиламан деб, алдоқчи номардларга рўпара бўлиш ҳеч гап эмас. Қонун нуқтаи назаридан олиб қараганда, энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ миқдорда қарз берилаётганда ёзма шаклда шартнома тузилмаса, бундай битим ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Айниқса, қарз шартномаларини гувоҳларнинг кўрсатмалари билангина тасдиқлаш қонунга тўғри келмайди. Бу қоида Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги 16-сонли **"Фуқаролик кодексини тадбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"**ги қарорининг 21-банд 2-хатбошисида ҳам мустаҳкамланган. Бироқ жавобгар шахс олган қарзини инкор этмаса, бу ҳолатнинг ёзма далиллар билан исботланиши талаб этилмайди. Амалиётда эса, бирор-бир жавобгар судда даъвогар томонидан унинг қарздорлигини тасдиқловчи ёзма ҳужжатни такдим этмагунича олган қарзини тан олмайди. Қарз олганини инкор этувчи одамлар на охиратни ўйлашади, на виждон амрига бўйсунишади. Амалдаги Фуқаролик кодексида қарз низоси бўйича қарз берувчи судда бошқа далиллар билан бирга гувоҳларнинг кўрсатмаларига ҳам асосланиши мумкинлиги белгиланган. Бу эса, қонунчилигимизнинг халқчиллиқ, миллийлик тамойилларига асосланганидан далолатдир.

Суд амалиётида олинган қарзга устама фоиз ҳисоблаш, яъни қарз берувчининг фойда олиши кўзда тутилмаган бўлса-да, қонун йўли билан қарздордан асосий қарзга қўшимча равишда устама фоиз ҳам ундириб берилмоқда.

Қорасув шаҳрида яшовчи фуқаро Ҳабибахон Абдужаббарова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Отажонова Муҳаббатхон исмли танишига 2003 йил феврал ойида 30000 сўм қарз бергани, қарзни 15 кун ичида 10000 сўм кўшиб қайтаришига келишилгани ва бу ҳақда ёзма равишда тилхат ёздириб олгани, аммо қарздор қарзни қайтариб бермаётганини баён этган. Шунингдек, даъвогар жавобгардан 30000 сўм асосий қарз билан бирга 34500 сўм устама фоизни ҳамда маънавий зарар учун 100000 сўм, яъни жами 134500 сўм ундириб беришни сўраган. Суд ишни атрофлича кўриб чиқиб, ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвосини қисман қаноатлантириб, унинг фойдасига жавобгардан 30000 сўм асосий қарз, 3600 сўм устама фоизни ундириб берди, бироқ даъвонинг маънавий зарар қисмини, асоссизлиги боис, рад қилди.

Аксарият ҳолларда қарз олувчилар қарзи эвазига уйи ёки шунга ўхшаш кўчар ё кўчмас мулкларини гаровга қўйишини кўрсатиб тилхат ёзиб беришади. Бу эса қонун талабларига умуман зид. Чунки бу нарсалар қарзни, яъни мажбуриятни қоплаш усули эмас, балки гаров сифатида қаралиши лозим. Гаров учун эса, Фуқаролик кодексининг 271-моддасига асосан, ёзма равишда шартнома тузилиши керак. Бу шартга амал қилинмаслик битимнинг ҳақиқий эмас, деб топилишига асос бўлади. Олий суд Пленуми қарорининг 23-бандида кўрсатилганидек, гаров тўғрисидаги келишув қонун талаблари доирасида расмийлаштирилмаган бўлса, бундай мажбурият тузилмаган ҳисобланади ва гаровга олувчи ўзининг мулкий даъвосини гаровга қўйилган нарсани сотиш эвазига қопланишини талаб қилишга ҳақли эмас.

Фуқаролар ўртасида қарз шартномасини тузиш тартиби ва усули, унинг шартлари тўғрисида, шартномалар бўйича тарафларнинг бурч ва мажбуриятларини тушунтириш ишларини янада кенгроқ олиб бориш зарур. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш эса фуқаролик жамияти қуришдек юксак мақсадга эришишнинг муҳим шартидир.

Аҳмадали КОМИЛОВ,
Андижон вилояти

Mulohaza va tahlil

ЗАРАР ёки айбдор раҳбар сувдан қуруқ чиқмади

Бозор иқтисодиёти ҳар бир раҳбардан оқилона иш тутиш, қонун талаби даражасида фаолият юритишни талаб қилади. Бунинг устига янги-янги иқтисодий тушунча ва ҳуқуқий билимларни эгаллаш ҳамда улардан ўринли фойдаланиш ниҳоятда зарур. Албатта, изланувчан ва ташаббускор раҳбар бош бўлган жамоа ютади. Раҳбар муваффақияти жамоаники, жамоа ютуғи бевосита раҳбар билан боғлиқ дейилса, хато бўлмайди.

Афсуски, ҳаётда ҳамма раҳбар ҳам ана шу мезондан келиб чиқиб фаолият юритмайди. Масалан, Самарқанд шаҳридаги "Осиё бизнес стил" масъулияти чекланган жамият раҳбари Фарруҳ Абдурасулов масъулиятсизлик оқибатида ўзи бош бўлган жамоага 3 миллион 300 мингдан зиёд мулкий зарар етказди. Бу маблағ табиийки, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Аниқроқ айтганда, у жамоанинг пешона тери, меҳнати орқасидан тўпланган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, жамият раҳбари Ф.Абдурасулов қандай хатога йўл қўйди?

Гап шундаки, "Франс — Азия" Ўзбекистон-Франция қўшма корхонаси "Осиё бизнес стил" масъулияти чекланган жамият билан ўтган йилнинг феврал ойида шартнома тузган эди. Шартномага кўра, қўшма корхона "сотиб олувчи", "Осиё бизнес стил" эса "сотувчи" эди. "Осиё бизнес стил" қўшма корхонага 30 миллион сўмлик АА ШВ 3х185 русумли 10 квт электр кабел етказиб бериши лозим эди. Қўшма корхона мутасаддилари электр кабелни қабул қилиб олгач, беш кунлик муддатда пулини тўлашлари шартномада белгиланганди. Шу боис улар шартнома имзоланган куннинг ўзидаёқ 50-сонли тўлов топшириқномаси билан 30 миллион сўм маблағни ҳамкорларининг ҳисоб рақамига ўтказиб беришди.

Бунга жавобан масъулияти чекланган жамият ҳам лафзида туриб, ўз вақтида электр кабелни етказиб берганда, ортиқча машмашага ҳожат қолмасди. Бироқ товар етказиб берилмагач, томонлар қўшимча келишув тузишиб, 2004 йил 5 февралда имзоланган 5/02-сонли шартнома муддатини 2004 йилнинг 5 августигача узайтиришади.

Вақт — бетизгин. Кўз очиб юмгунча шартномада белгиланган сана ҳам етиб келди. Аммо электр кабелдан ҳамон дарак йўқ. Орадан ойлар ўтди. Қўшма корхонанинг 30 миллион маблағи масъулияти чекланган жамиятнинг ғайриқонуний эгалигида турaверади. Аммо маҳсулотни етказиб бериш даргумон эди. Шу боис қўшма корхона раҳбарлари қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Ҳақиқатан ҳам, Фуқаролик кодексининг 236-моддасида мажбуриятлар шартнома шартлари ва қонун ҳужжати талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса, иш муомаласи одатлари ёки бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши зарурлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу кодекснинг 420-моддаси 3-қисмида олдиндан тўланган суммани олган сотувчи товарни топшириш бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда, сотиб олувчи ҳақи тўланган товарни топширишни ёки сотувчи топширмаган товар учун тўланган суммани қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлилиги қайд этилган.

Ўрганиш жараёнида "Осиё бизнес стил" масъулияти чекланган жамият "Франс-Азия" қўшма корхонасининг 30 миллион сўм маблағидан 235 кун фойдаланган. "Турон" банкнинг Самарқанд вилояти филиалидан 2005 йилнинг 25 январида берилган 2-1/71-сонли маълумотномада Республика Марказий банки томонидан банк фоизининг ҳисоб ставкаси 2005 йил 1 январ ҳолатига йиллик 16 фоиз қилиб белгиланганлиги кўрсатилган. Энди 30 миллионнинг бир кунлик банк фоизи ставкаси 12 минг сўмга тўғри келади. Агар ана шу суммани 235 кунга кўпайтирсангиз, 2 миллион 820 минг сўм жамият томонидан қўшма корхона фойдасига етказилган моддий зарар, яъни банк фоизи келиб чиқади.

Вилоят адлия бошқармаси киритган даъво ариза бўйича вилоят хўжалик суди жавобгар — "Осиё бизнес стил" масъулияти чекланган жамиятдан "Франс-Азия" Ўзбекистон-Франция қўшма корхонаси фойдасига 30 миллион сўм асосий қарз, 2 миллион 820 минг сўм моддий зарар ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Бундан ташқари, масъулияти чекланган жамиятдан 478 минг 200 сўм давлат божи ва почта харажатлари ҳам ундирилди.

Бир томондан қараганда, шу билан иқтисодий низо барҳам топгандек кўринади. Бироқ масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Маълумки, Президентимизнинг 1998 йил 4 мартдаги **"Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"**ги Фармони бу соҳадаги хатоликларни олдини олишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, жамоага моддий зарар етказган мансабдор шахс сувдан қуруқ чиқмаслиги керак. Суд мажлисида иштирок этган вилоят адлия бошқармаси вакили масъулияти чекланган жамият раҳбарини **"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги кодекснинг 176-1-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқишни сўради.

Шундан келиб чиқиб, суд "Осиё бизнес стил" МЧЖ раҳбари Ф.Абдурасуловга катта миқдорда жарима жазоси белгилади.

Шу билан масала шартнома қонунчилигига амал қилмаслик, ўзганинг маблағини ғайриқонуний ушлаб туриш жамоа ғазнасига-ю, раҳбар ҳамёнига зарар келтириш билан якун топди.

Комил БАҲРИДДИНОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ЖАМИЯТИМИЗ МАҚСАДИ: ИНСОНПАРВАРЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА АДОЛАТ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Мана шу каби зарур ишлар амалга оширилганига қарамай, Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги Фармонини амалда жорий этиш муайян муддатни талаб этади. Фармонда: **"Ўзбекистон Республикаси 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинсин ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилсин"**, дейилган. Фармонда кўрсатилган талабларни ижро этиш бир қатор ташкилий ишларни, тайёргарлик тадбирларини бажаришни тақозо этади. Жумладан, ўлим жазоси умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган маҳкумларни сақлаш учун мажмуа ва иншоотлар қуриш зарур. Бундай муассасаларда иш юритадиган ходимларни ҳам тайёрлаш керак бўлади. Буларнинг барчаси муайян харажат ва албатта, анчагина вақтни талаб этади.

Бу вазифаларнинг яна бир муҳим томони бор ва у ҳам Фармонда алоҳида кўрсатилган. Фармонда уқтирилишича, жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни, мавжуд ибратли тажрибаларни ўрганиб чиқиш ҳисобига амалга оширилмоғи лозим. Зотан, ўлим жазоси бекор қилинган ва ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахслар учун жазоларнинг ижро этилишини ташкил қилиш борасида хорижий мамлакатларда бой тажриба тўпланган, тегишли қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Мазкур Фармонни амалда қўллашга киришишдан олдин ана шу тажрибаларни атрофлича ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Демак, Фармонда ўлим жазосини бекор қилишнинг амалда жорий этила бошланишига доир кўрсатилган муддатнинг моҳияти тўла ўзини оқлайди.

— ***Табиийки, ушбу Фармон Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Бу жараёнга тайёргарлик ва унинг бориши қандай кечади?***

— Фармонда Адлия вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари зиммасига 2006 йилнинг 1 январигача Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштиришга алоҳида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш вазифаси юкланган. Мазкур жараённга ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўрилмоқда, тажрибали мутахассислар, олимлар бу ишга кенг жалб этилган. Албатта, Фармонда белгиланган муддатгача зарур таклифларни ўз вақтида тайёрлаб тақдим этиш катта меҳнат ва уюшқоқликни талаб этади.

Айни чоғда биз асосий эътиборни ўлим жазосига лойиқ деб топиладиган жиноятларни содир этган шахслар учун уларни озодликдан маҳрум этишнинг аниқ муддатларини белгилаш ва асослашга қаратамиз. Шунингдек, ўлим жазосига лойиқ деб топилган жиноятларга тайинланадиган жазо муддатларини ҳисоблаш, бундай жазоларни ижро этиш тартиби ва шартлари бўйича аниқ таклифларни берамиз.

Албатта, бу борада фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорларимиз билан ҳам бамаслаҳат иш олиб борамиз.

— ***Мазкур Фармонда бошқа органлар қатори, Адлия вазирлиги олдига ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш вазифаси қўйилган...***

— Табиийки, ўлим жазосини бекор қилиш каби мураккаб масала бирор-бир жамиятда бир овоздан маъқулланмайди ёки ялпи инкор этилмайди. Яқин кишисининг қотилига нисбатан олий жазо берилишини талаб қиладиган кишини дабдурустдан айблаш ноўрин. Бироқ умуминсоний қадриятларга содиқ қолиб, миллий урф-одат, анъаналаримизга таянган ҳолда инсоннинг яшаш ҳуқуқи борасида кенг кўламда тушунтириш ишларини олиб бориш Президент Фармонини ҳаётга муваффақиятли жорий этишнинг муҳим омилларидан бири, деб биламан. Бунинг учун вазирликда махсус дастур тайёрлаш устида иш бошлаб юборилган. Биз оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда, корхоналар, ташкилотлар, ўқув муассасаларида, кенг жамоатчилик ўртасида махсус тадбирлар ташкил этишни режалаштираяпмиз. Ўйлаймизки, ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида олиб борадиган кенг кўламли тушунтириш ишлари ўзининг самарасини беради. Зеро, давлатимиз раҳбарининг **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги Фармони ўзбекона бағрикенгликнинг, халқпарварлик ва инсонпарварликнинг юксак намунасидир.

ЯШАШ ҲУҚУҚИ — УСТУВОР ҚАДРИЯТ

Фахриддин КОМИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Бош Қомусимиз бўлмиш Конституциямизда белгилаб қўйилган инсонпарварлик тамойиллари ҳаётимизда ўзининг тўлиқ ифодасини топиб келаётганига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди ва у изчиллик билан давом эттирилмоқда. Аввало бу ўзгаришлар жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштиришда ўз ифодасини топмоқда.

Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги Фармони ана шу табиий жараённинг маҳсули бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойил ва меъёрларига тўлиқ мос келади.

Бу тарихий ҳужжат — асрлар бўйи дунёга илму маърифат улашган, бағрикенг ва олижаноб халқимиз минталитетига ҳамоҳанг.

Инсон — эзгу амалларни бажариш учун дунёга келади. У ҳеч қачон онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Шунинг учун ҳам ўлим жазоси бекор қилинса, жиноят кўпайиб кетиши мумкин, деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Қисқача айтганда, инсонга яшаш учун имконият бериляпти. Аслида бу имконият инсоннинг ҳуқуқи ҳамдир.

Шу маънода давлатимиз раҳбарининг Фармони юксак тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан ҳам қимматлидир.

Мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо сифатида ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилишини жамоатчилик хайрихоҳлик билан кутиб олди. Энди бу муддат кўпми-камми деган саволга мен шахсан айни муддао деб жавоб берган бўлардим. Чунки у ҳуқуқий ҳужжат мақомини олиши учун қонунларга ўзгартишлар киритилиши лозим.

Белгиланган вақт ичида буни бемалол уддасидан чиқса бўлади.

Мазкур Фармон давлатимиз раҳбари томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг яна бир ёрқин намойиши бўлди.

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ

Истиқлол йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган туб ўзгаришлар ва янгиланиш жараёни ҳақида фикр юритганда, Президентимиз томонидан эълон қилинган **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармонларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Маълумки, ўтган ўн тўрт йил мобайнида мамлакатимиз раҳбари томонидан ўн беш маротаба **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармон эълон қилинди. Халқимизга хос бағрикенглик ва олижаноблик намунаси бўлган бу Фармонлар адашган инсонларни тўғри йўлга солиш, айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймон бўлиб, афсус-надомат чекиб, оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалла-куйга қайтиш илинжида юрган маҳбусларнинг жамиятга қайта қўшилишига кенг йўл очиб берди.

Албатта, жазони ижро этиш муассасасидан қайтган шахснинг эркин ҳаётга қўникиши, ўзига иш топиши ҳам осон кечмайди. Бундай пайтда у кимнингдир эътиборига, ғамхўрлигига эҳтиёж сезади. Шу маънода ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ўз-ўзини бошқариш идораларининг ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, жазодан муддатидан олдин озод этилаётган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилишга жиддий аҳамият берилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун биргина мисол келтирамиз, Конституциямизнинг 10 йиллиги муносабати билан эълон қилинган **"Амнистия тўғрисида"**ги Президент Фармонига биноан 57783 нафар маҳкумга белгиланган жазо турли муддатларга камайтирилди. Шулардан 33752 нафар маҳкум жазони ўташдан муддатидан илгари озод этилди, яъни 5047 нафар маҳкум бевосита жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиқарилган бўлса, уларнинг 923 нафари диний-экстремистик ташкилотлар таркибида давлатимизнинг Конституциявий тизимига қарши жиноятлар содир этган ва жазони ўташ даврида ўз қилмишларига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлардир. 24031 нафар маҳкумнинг жазо муддати қисқартирилди. Озод қилинган маҳкумларнинг тинч ҳаётга мослашиши ва оиласида ўзини тиклаб олиши учун 59 миллион 230 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Бу биргина **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармондан кейин амалга оширилган ишлар. Ана энди ўн тўрт йил мобайнида ўн беш маротаба эълон қилинган Фармонларда кейин қанчаданқанча юртдошларимиз ўз оилалари бағрига қайтганини кўз олдингизга келтириб кўринг...

2004 йилда дунёнинг 64 мамлакати судлари томонидан 7395 нафар жиноятчига нисбатан ўлим жазоси тайинланган. Шундан 25 мамлакатда 3797 нафар жиноятчига нисбатан чиқарилган суд ҳукми ижро этилган.

2004 йил якуни ҳисобкитобларига кўра, Бутан, Греция, Самоа, Сенегал ва Туркия каби бир қатор давлатлар ўз қонунчилигидан ўлим жазосини чиқариб ташлаган.

Бугунги кунда дунёнинг 120 мамлакати қонунчилигида ўлим жазоси бекор қилинган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти "Халқаро Амнистия" комиссияси тарқатган хабарга кўра, ўтган йили АҚШ Олий суди томонидан бир нафар вояга етмаган фуқарога АҚШ конституциясига зид равишда ўлим жазоси берилган.

АҚШнинг ўзида 1973 йилдан бери ўлим жазоси бекор қилинган жами маҳкумлардан 113 нафарига нисбатан ўлим жазоси нотўғри тайинланганлиги сабабли бекор қилинган.

Японияда ҳам шу каби ҳолатлар учраб туради. Лекин суд амалиёти хатосининг энг даҳшатлиси умрининг 33 йилини қамоқхонада ўз ўлимини кутиб ўтказган, сўнгра оқланган Саке Менда исмли шахс бошига тушган.

1994 йилда хитойлик оддий деҳқон Шэ Сян Лин ўз рафиқасини ўлдирганликда айбланиб ҳибсга олинади. Чунки 1994 йилнинг январ ойида Шэнинг рафиқаси тўсатдан йўқолиб қолади. Шэ бу ҳақда ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар беради. Бироқ ҳуқуқ тартибот идоралари вакиллари қанча уринишмасин, йўқолган аёл топилмайди. Шундай кунларнинг бирида Шэ яшайдиган қишлоқ яқинидаги сув омборидан номаълум аёлнинг жасади топилади. Афсуски, жасад сув остида узоқ муддат ётгани сабабли унинг шахсини аниқлашнинг иложи бўлмайди. Бироқ бунга қарамай ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари бу Шэ Сян Лининг йўқолган хотининг жасади, деб ҳисоблашади. Негадир уларда қотил Шэнинг ўзи, у айбини яшириш учун ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилган, деган фикр пайдо бўлади. Ана шундай асосланмаган фикрга таяниб, Шэни ҳибсга олишади. Узоқ давом этган суд жараёнидан сўнг унга ўлим жазоси берилади. Бироқ узоқ тортишувлардан сўнг апелляция суди "ишдаги ноаниқликлар учун" ўлим жазосини бекор қилиб, 15 йил қамоқ жазосини тайинлайди.

Орадан анча йил ўтгач, кутилмаган бир воқеа рўй бермаса, ҳеч ким шўрлик Шэнинг айбсиз эканини хаёлига ҳам келтирмасди.

Гап шундаки, орадан роппа-роса 11 йил ўтиб, 2005 йилнинг 18 март куни Шэнинг "қайта тирилган" хотини ўз уйига қайтиб келади. Шундан сўнг маълум бўлишича, у ўзи ёқтириб қолган бошқа бир одам билан қочиб кетган ва ўн бир йил қўшни вилоятда яшаган экан. Табиийки, бу воқеадан сўнг Шэнинг айбсизлиги кундай равшан бўлди. Шундан сўнг қайта суд жараёни бошланади ва 2005 йилнинг апрел ойи бошларида, уезд суди Шэ Сян Лига нисбатан чиқарилган ҳукм хато, деб қарор чиқарди. Яқин кунларда суд унга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш масаласини кўриб чиқишини эълон қилган. Прокуратура ҳам хатога йўл қўйган терговчилар ва судьяларни жазолашга тайёр эканини билдирган.

Ўлим жазоси ўта оғир жиноятни содир этган жиноятчиларга нисбатан давлат томонидан қўлланиладиган жазо тури. Моҳиятига кўра, бу жазонинг қўлланилиши маҳкумга нисбатан ҳам, жамият учун ҳам оғирдир. Шунинг учун ҳам, ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги масала катта ижтимоий аҳамиятга молик ҳодиса. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармонига мамлакатнинг тараққиёт йўлида олга силжиш, демократик жамият қуришнинг зарур босқичи сифатида қараш ўринли.

МАҚСАД ВА МОҲИЯТ

Одина ЗОКИРОВА, юридик фанлари доктори

Сир эмаски, барча замонларда ўлим жазоси бекор қилинишининг тарафдорлари бўлганидек, унинг мухолифлари ҳам бўлган. Ўлим жазоси бекор қилинишини маъқуллайдиганлар қуйидаги асосларни келтирадилар: жиноятчиликнинг ўсиши билан ўлим жазосининг бекор қилиниши ўртасида боғлиқлик йўқ; ўлим жазосининг бекор қилиниши айбсиз одамлар қатл этилишининг олдини олиш имконини беради; ўлим жазоси дин ва ахлоқ нормаларига зид; умрбод қамоқ жазоси жиноятчини ўлим жазосидан кўра оғирроқ азоб-уқубатларга дучор этади.

Ўлим жазоси бекор қилинишига қарши бўлганлар эса қуйидаги далилларга асосланишади: ўлим жазосини бекор қилиш керак, лекин ҳали бунга эрта (айрим давлатлар тайёр эмас); ўлим жазосининг бекор қилиниши жиноятчиликнинг ортишига олиб келади; жазо жиноятга мос бўлиши керак; жиноят қурбонининг ҳуқуқлари жиноятчининг ҳуқуқларидан устунроқдир.

Халқимиз оғир тарихий шароитда ўз мустақиллигини қўлга киритди. Бизга эски тузумдан нафақат хўжалик юритишнинг нотўғри усуллари, балки ҳуқуқ тизими, жумладан, собиқ совет Жиноят кодекси ҳам мерос бўлиб қолган эди. Мустабид тузум даври Жиноят кодексида ўлим жазоси назарда тутилган ўттиздан ортиқ жиноят бор эди.

Бироқ жуда қисқа фурсатда, яъни 2003 йилга келиб, фақат жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш ва терроризм учун ўлим жазоси қолдирилди.

Шу тариқа, мустақилликдан кейинги 12 йил ичида ўлим жазосини тайинлаш имконияти 15 баробардан кўпроққа камайди. Бундан ташқари, содир этган жиноятининг оғирлигидан қатъи назар, вояга етмаганларга (ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга), аёллар ва 60 ёшдан ошган шахсларга ўлим жазосини тайинлаш қонун йўли билан тақиқланган. Вақоланки, айрим демократик, иқтисодий ривожланган мамлакатлар (масалан, АҚШ, Тайланд) ҳали бу босқичга қадам қўйгани йўқ.

Ўлим жазоси минг йиллардан бери Европа давлатларида ҳам, Шарқда ҳам қўлланиб келинади. Ўлим жазоси жиноятчиликни тугатишга, жамиятнинг маънавий негизларини мустаҳкамлашга қодир эмаслигига инсоният тобора амин бўлаётир. Охирги ўн йил мобайнида ҳар йили ўрта ҳисобда учта мамлакат ўлим жазосини бекор қилаётир. Ҳозирда 112 мамлакатда қонунан ёки амалда ўлим жазоси бекор қилинган, 83 мамлакатда эса бу жазо қўлланилмоқда. Хитой, Эрон, Япония, АҚШ шундай давлатлар жумласидандир. Чунончи, АҚШнинг 50 штатидан 38 тасида ўлим жазоси қўлланилади.

Одам ўлдириш билан боғлиқ жиноят ишлари таҳлили шуни кўрсатадики, бундай жиноятни содир этиш чоғида жиноятчилар жазо ҳақида ўйламайдилар ёки ўйлаган тақдирда ҳам жиноий жавобгарликдан, шу жумладан, ўлим жазосидан қутулиб қолишларига умид қиладилар. Дарвоқе, ўлим жазоси қўлланилмайдиган мамлакатларда одам ўлдириш ҳодисаси мазкур жазо қўлланиладиган давлатлардагидан бир неча баравар кам. Жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг воситаси сифатида ўлим жазосининг амалда қўлланилиши ёки қўлланмаслиги жиноятчилик даражасига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, нима учун илғор давлатларда, ҳатто ўзини "демократия таянчи" деб атайдиган мамлакатларда жиноий жазонинг ўлим жазосидек "нодемократик" усулларини қўлланилмоқда? Нега АҚШ жиноятчини ҳаётдан маҳрум қилишда баъзи бир тараққий этмаган давлатлар билан бир даражада турибди? Нима учун АҚШда суднинг хатога йўл қўйиш хавфи катталигига қарамай, бу жазо вояга етмаганларга, руҳий касалларга нисбатан ҳам қўлланилаётир... Қолаверса, ўлим жазосининг заҳарни инъекция орқали организмга юбориш, электр стулидан, газ камерасидан фойдаланиш, осиш ва отиш йўли билан ижро этиш турлари ҳам сақлаб қолмоқдаки, бу халқаро андозаларда, мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол, деб эътироф этилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, ўлим жазосини бекор қилишга доир мунозаралар Европада XXIII аср охирида бошланиб, фақат XX аср ўрталарида муайян тўхтамга келинди. Европаликлар ўлим жазосини бекор қилиш зарурлиги ҳақидаги фикрга узоқ давр мобайнида аста-секин кўникиб борганлар. Шуни назарда тутсак, мустақилликни қўлга киритгандан кейин ўтган 14 йил ичида биз европаликлар бир неча ўнлаб йилда бажарганидан кўра кўпроқ ишларни амалга оширдик. Биз бу масалада уларнинг аксариятидан кўра каттароқ муваффақиятларга эришдик.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек, **"Биз тадрижий, яъни эволюцион изчиллик хусусиятларига эга бўлган ислоҳот ва ўзгаришлар тарафдоримиз. Фақат бу янгиланишлар ижтимоий муносабатлар ва турмуш тарзининг ўзгариши, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан барчас боғлиқ ҳолда амалга оширилиши даркор"**.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ўлим жазосини тўла бекор қилиш учун фуқаролар давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган мақсадларга эришишнинг танланган стратегиясини чуқур тушуниб, тўғри баҳо беришлари лозим. Бунинг учун ҳамма жойда, кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилиши, асосий эътибор бундай зарурият-ни белгиловчи сабаб ва омилларга қаратилиши керак. Хусусан, аҳолига мазкур муаммонинг ижобий ҳал қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамлаши, инсон ҳаёти олий неъмат эканлигини, уни қўриқлаётган жамиятда ўлим жазосининг қўлланилиши ўринли эмаслигини тушунтириш зарур.

ЎЛИМ ЖАЗОСИ: кеча ва бугун

Олимжон ЎСАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Шу йил 28 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Юртбошимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишга бағишланган Дастурий маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида ҳал этилиши лозим бўлган яна бир масала — жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш тўғрисидаги одилона фикрни ўртага ташлади.

Орадан кўп ўтмай бу фикрлар ўз тасдиғини топди. Бутун дунёда терроризм балоси хавф солиб турган мураккаб бир шароитда Юртбошимиз мардонаворлик ва дадиллик билан инсонпарварлик ва одиллик конституциявий принциплари асосида ўта муҳим тарихий ҳуқуқий ҳужжат — **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги Фармонни қабул қилди. Шу маънода 1 август санаси мустақил мамлакатимиз тарихий солномасида муҳим саналар қаторидан ўрин эгаллаши шубҳасиздир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, азал-азалдан жиноят ва жазо, жиноятчиликка қарши самарали кураш ва жиноятчиликнинг олдини олиш масаласи жамиятдаги энг мураккаб муаммолардан бўлиб келган.

Айниқса, ўлим жазоси масаласи дунё ҳуқуқшуносларини, олимлар, амалиётчи, сиёсатшунос, файласуф ва руҳшуносларни ўртасида минг йиллардан буён баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келмоқда. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимги грек файласуфи Диодот халқ мажлиси (қонун чиқарувчи кенгаш)да нутқ сўзлаб, ўлим ўта шафқатсиз жазо эканлиги, уни амалда қўллаш жиноятчиликнинг камайишига олиб келмаслиги ва самарасиз жазо тури эканлигини ўша давр амалиётидан аниқ мисоллар билан исботлаб берган.

Европа уйғониш даврининг машҳур ҳуқуқшуноси Ч.Беккариа "Жиноятлар ва жазолар ҳақида" асарида (1764 йил) шундай ёзади: "Ўлим жазоси фойдасиз, чунки у инсонларни қаҳр қаттиқ бўлишига олиб келади". Унинг фикрича, ўлим жазоси жиноятнинг олдини олиш вазифасини бажармайди, бундай жазони қўллаш учун инсонларга ҳеч қандай қонуний ҳуқуқ берилмаган, ҳар қандай ҳолатда ҳам бу жазога адолатсизлик деб қаралиши лозим. Ўз даврининг илғор маърифатчиси бўлган бу мутафаккир жазонинг мақсади айбдорнинг яна жамиятга зарар етказмаслиги ва бошқаларнинг ҳам зиён етказишидан сақлашидан иборат бўлиши лозим, деган фикрни илгари сурган.

Ч.Беккариа ва Ш.Монтескьенинг шунга ўхшаш илғор ҳуқуқий қарашлари кейинчалик Францияда "Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисида" Декларациянинг (1789 й.) ва дунёдаги биринчи Жиноят кодексининг (1791 й.) қабул қилинишига асос бўлиб хизмат қилган.

Ҳозирги замон рус олимларидан В.Квашиснинг таъкидлашича, умумий превенция нуқтаи назаридан ўлим жазоси институтининг криминологик аҳамияти йўқ. "XX аср бошларидаёқ криминологик фан ўлим жазосини қўллаш" самара бермаслигини ишонарли тарзда исботловчи жуда катта эмпирик маълумотлар тўплаган эди" деб асослайди.

Бу фикрларнинг нечоғли асосли эканлигини қуйидаги мисоллар ёрдамида асослашга ҳаракат қиламиз (зеро, ўрта асрларда ўлим жазоси жиноятчиликка қарши курашда асосий жазо тариқасида қўлланилгани тарихдан маълум): Германияда Карл V даврида 100 минг нафар, Англияда Генрих VIII томонидан 70 минг нафар, Нидерландияда Филипп II томонидан 18 минг нафар кишига ўлим жазоси белгиланган. Россия тарихида Иван Грозний деб ном олган Иван IV даврида қабул қилинган "Суд ҳужжати"да 60 турдаги жиноятларга ўлим жазоси кўзда тутилган. Аммо уларнинг барчаси жиноятчилик камайиш ўрнига йилдан-йилга ошиб бораверганги тарихий ҳақиқатдир.

Энди миллий қонунчилигимизга назар ташласак, жазолаш (иқоб) ислом жиноят ҳуқуқининг (укубот) энг муҳим хусусиятларидан бири саналганига гувоҳ бўламиз. Шарқнинг машҳур фиқҳшуноси Бурҳониддин Марғиноний ўзининг "Ҳидоя" асарида жазога шундай таъриф беради: **"Жазонинг мақсади — жиноят содир этмаслик учун кўрқитиш..., таъзир жазоси — инсонни тузатиш демакдир"**.

ҲАЁТБАХШ ЭЗГУЛИК



Шуҳрат РАСУЛОВ, юридик фанлари номзоди

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони қатор халқаро меъёрлар талаби билан бирга 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси резолюциясидаги: **"Ўлим жазоси масаласида кўзда тутиладиган асосий мақсад бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини янада камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозим"** деган талабга мувофиқдир.

Шу ўринда мазкур тарихий Фармоннинг қабул қилинишигача бўлган жараёнга бир назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётганига гувоҳи бўлиш мумкин. Жумладан, бу жараённинг ҳуқуқий дебочасини давлатимиз раҳбари томонидан мустақилликнинг дастлабки кунларида белгилаб берилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилларидан бири — **"қонун устуворлигини таъминлаш"** ташкил этади.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Президентимизнинг суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш бўйича сўзлаган тарихий нутқи ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф этган Қонун лойиҳаси собиқ шўро замонидаги қатағон ва жазолашга йўналтирилган жиноий сиёсатни тўлиқ бартараф этиб, ҳозирги инсонпарварликка қаратилган мустақил Ўзбекистон ҳуқуқий сиёсатининг амалий ютуқларини ўзида ифодалаганлиги билан қимматлидир.

Ана шундай чуқур ўйлаб амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида юқорида зикр этилган тарихий Фармон қабул қилинди. У 2008 йил 1 январдан кучга киради. Бу муддат ўта оқилоналик билан белгиланган. Нега деганда, ўлим жазосини бекор қилиниши тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, Жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларига ҳам ушбу фармон ҳамда бу борадаги халқаро нормалар талабларидан келиб чиқиб ўзгартириш ва тўлдириш киритиш, умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни сақлаш учун ҳам зарур ихтисослаштирилган муассасалар қуриш, уларни молиялаштириш ҳамда уларда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш масалалари муайян вақт талаб этади.

Ушбу саҳифа материалларини Ислом Ҳамро ва Ҳидоят Жўраева тайёрлашди.

Халқимизга хос фазилатлардан бири, шубҳасиз, ўзаро ҳурмат-эътибор ва оқибатлиликдир. Ота-боболаримиз азал-азалдан оқибатли кишиларни эъзозлашган, оқибатсиз одамларни эса қоралашган. Шунинг учун ҳам улар биз — фарзандларга ҳамиша «дўсту-биродар, қариндош-уруғнинг кўпи яхши. Улар қувончли кунларингда шерик, бошингга ташвиш тушганда эса ҳамдард ва елкадош бўладилар,» деб уқтириб келишади. Лекин шунга қарамай, онда-сонда бўлса-да, орамизда оқибатсиз кимсалар учраб туради. Бугунги мақоламиз ҳам айнан мана шу улуғ фазилатдан мосуво икки қариндош ҳақида.

БИР ҲОВЛИ МОЖАРОСИ

ёхуд оқибатсизлик келинойи ва қайнисингил ўртасига нифоқ солгани хусусида

Ҳасанбой ва Ойшахоннинг турмуш қурганига ҳам йигирма йил бўлди. Улар бундан йигирма йил муқаддам 0,06 сотих ер олиб, яхши ният билан уй қуришди. Иморат қуриш осон иш эмас. Буни бошидан кечирган киши билади. Битта ҳовлини тиклаш учун бир неча йил вақт талаб қилинади. Бу ёш оила ҳам шундай қийинчиликларни бошдан кечиришди. Эр-у хотин роппароса тўққиз йил мобайнида топганларини қурилишга ишлатишди. Уй-жойлари бировникидан кам бўлмаслиги учун кеча-ю кундуз тинним билмай меҳнат қилишди. Ойшахон ҳам қараб тургани йўқ. Имкон даражасида эрига кўмак берди.

Хуллас, кутилган кун етиб келди. Кўрган одамнинг ҳаваси келадиган чиройли ҳовли қад ростлади. Эр-хотин хурсанд бўлиб қариндош-уруғларини уй тўйига чорлашди. Ҳовли тўйи ҳам бўлиб ўтди. Эр-хотин, қариндош-уруғ ҳаётдан мамнун эди.

Бир маромда давом этаётган ана шундай кунларнинг бирида эр-хотин Сирдарёга бориб ишлаб келиш тараддудига тушиб қолишди. Ҳарна, ортиқча даромад зарар қилмайди. Бу ёқда уч нафар фарзандлари вояга етаяпти. Ҳадемай уларни ўқитиш, уйли-жойли қилиш керак.

Хуллас, эр-хотин бир қарорга келишди. Энди фақат уй-жойга қараб туриш учун одам топиш лозим. Бундай пайтда оқибатли одамлар бегонадан кўра ўзларинкини афзал кўришади. Худди шундай бўлди ҳам. Эр-хотин маслаҳатни бир жойга қўйиб, Ҳасанбойнинг ижара уйда турувчи синглиси Зуҳрахонни оиласи билан ўз ҳовлиларига таклиф қилишди. Нима бўлсаям, бегонамас, бир қориндан талашиб тушган жигари, қарийб ўн йиллик меҳнатимиз маҳсули бўлган уй-жойни авайлаб-асраб сақлайди, деб ўйлашди...

Қисқаси, 1999 йилнинг октябр ойида Ойшахон ва Ҳасанбой фарзандлари билан бирга Сирдарёга жўнаб кетишди. Ҳовлида Ҳасанбойнинг синглиси Зуҳрахон оиласи билан яшай бошлади.

Орадан тўрт йил ўтди. 2003 йилнинг 23 мартида кутилмаганда Ойшахоннинг бошига оғир мусибат тушди. Бевақт ўлим Ҳасанбойни ҳаётдан эрта олиб кетди. Уч нафар қизалоқ отасиз қолди. Лекин на чора, тақдир шу экан. Ойшахон ҳам бу кўргиликка чидади.

Эрининг вафотидан сўнг Ойшахон учун бегона юртда қолишнинг ўзи бўлмасди. Шу боис болаларини олиб, ўз туғилган қишлоғи – Ҳаққулободга қайтди. Бироқ бу ерда ҳам уни сира кутилмаган ташвиш кутиб турарди. Аниқроқ айтганда, қайнисингил бева қолган келинойисини ўз ҳовлисига киритмади. Қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳалла-куй ва бу ҳолатдан ҳайрону-лол қолган келинойининг саволларига қайнисингил:

— Мен марҳум акамдан ҳовлини 577000 сўмга сотиб олганман. Бу ҳовлида энди сизнинг ҳаққингиз йўқ, — дея бир оғиз жавоб берди.

Бундан ҳам қизиғи шундаки, эри ҳовлини сотганидан Ойшахоннинг мутлақо хабари йўқ эди. Қолаверса, бу ҳақда ака-сингилнинг ўртасида ҳеч қандай ҳужжат ҳам имзоланмаган. Табиийки, шундан сўнг икки ўртада тортишув бошланди. Узоқ тортишувлар, маҳалла фаоллари ва қишлоқ оқсоқолларининг аралашуви ҳам ҳеч қандай натижа бермади. Зуҳрахон на марҳум акасининг ҳурмат-иззатини қилди, на бева қолган келинойисига ачинди ва на уч нафар норасида жиянларининг кўз ёшларини инобатга олди. «Уй меники. Сизларни киритмайман. Тамом вассалом», — деб туриб олди у. Шундан сўнг Ойшахон ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро суди воқеани атрофлича ўрганиб чиқди ва даъвогар Ойшахон Узоқованинг даъвосини қисман қаноатлантиришни лозим топди. Яъни Уй-жой кодексининг 32-моддаси, Фуқаролик кодексининг 182, 210, 1135, 1143-моддаларини қўллаб қарор чиқарди. Ушбу қарорга кўра Ҳаққулобод шаҳар, Зарбдор МФЙ ҳудудидаги Эгамбердиев номли кўчада жойлашган ҳовли даъвогар А.Узоқова ва унинг марҳум турмуш ўртоғи Х.Узоқовнинг умумий мулки деб топилиб, уларнинг 3 нафар фарзандлари қонуний меросхўр, деб белгиланди. Ўз навбатида мазкур ҳовлида марҳум Х.Узоқовнинг оиласи яшашга ҳақли эканлиги кўрсатиб ўтилиб, уларни ҳовлига мажбурий тартибда киритиб қўйиш ҳам белгиланди.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг жавобгарлар З.Узоқова ҳамда А.Қўчқоровга нисбатан уларни уйдан кўчириш ҳақидаги даъвосини асоссиз деб топиб, рад этди. Соддароқ қилиб айтганда, энди марҳум аканинг рафиқаси уч нафар қизи ва қайнисинглисининг оиласи билан яшаши лозим эди.

Лекин суднинг бу қароридан даъвогар қониқмади ва Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судига апелляция шикояти билан мурожаат этди. Мазкур шикоят асосида фуқаролик ишини апелляция судлов ҳайъати ишни қайта кўриб чиқиб, дастлабки ҳал қилув қарорининг айрим қисмини бекор қилди ва даъвогарнинг даъвосини тўлиқ қаноатлантирди. Аниқроғи, жавобгарлар З.Узоқова ва А.Қўчқоровни мажбурий тартибда ҳовлидан кўчирилиши ҳақида ажрим қабул қилинди...

Тўғри, ҳақ ўз ўрнида қарор топди. Марҳум Ҳасанбой Узоқовнинг турмуш ўртоғи ва уч нафар қизалоғи ўзларининг қонуний уй-жойига эга бўлишди. Лекин бизни масаланинг бошқа бир томони ўйлантиради. Аслида икки томон ҳам қон-қариндош. Ака синглисини ижара уйда яшаб юрганига раҳми келиб, унга ўз уйини берган эди. Аммо сингил унга нисбатан оқибатсизлик қилди. Марҳум акасининг руҳини чирқиллатиб, унинг беваси ва уч нафар қизалоғини кўчада қолдиришга жазм қилди. Агар у ўз виждони олдида, қолаверса, марҳум акасининг ҳаққи-ҳурмати юзасидан адолатли йўл тутганида эди, ўртадаги дилхиралик ва можаролар юз бермаган бўларди. Яна бир гап. Ўзингиз ўйлаб кўринг, сингил энди келинойиси ва жиянларининг, қолаверса, қавм-қариндош ва маҳалла-куйнинг кўзига қандай қарайди? Чунки биз истаймизми ёки йўқми, улар эртага тўй-маъракаларда бирга бўлишади, юз юзга, кўз кўзга тушади...

Ушбу мақолани ёзишдан мақсадимиз кимнидир қоралаш ёки оқлаш эмас. Шунингдек, ўз акасига нисбатан оқибатсизлик қилган сингилга таъна-маълумот тошларини отиш ниятимиз ҳам йўқ. Чунки бу борада одил суд ўз ҳукмини чиқариб бўлган. Биз эса ушбу воқеани ҳикоя қилиш орқали газетхонларимизни ҳушёрликка чорламоқчимиз, холос. Ён атрофингизга қаранг. Ўзингизнинг хатти-ҳаракатларингизни ҳамиша тарозуга солиб кўринг. Сиз бировга ёки аксинча, бировлар сизга оқибатсизлик қилишмаяптими? Агар кимгадир нисбатан ана шундай адолатсизлик қилган бўлсангиз, дарҳол кечирим сўранг. Сизга нисбатан адолатсизлик қилишган бўлса, унга тушунтиришга ҳаракат қилинг. Шундай йўл тутмасангиз, мақоламиз қаҳрамонлари каби эл орасида юзшувит бўлиб қолишингиз мумкин.

Ф. УМАРОВ,
ҳуқуқшунос

Taassuf

Dunyoning ishlari

ҚИРҚ ЙИЛДА ҚАЙТГАН ҚАСОС

Иккинчи жаҳон уруши на ёшлар, на кексалар, на хотин-халажни аямади. Бутун-бутун мамлакатлар, миллатлар уруш алангаси ичида қолди. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, кекса-ю ёш бирдек жангчига айланди.

Ана шундай олағовур кунларнинг бирида Москва шаҳрилик 17 ёшлик Таня исмли ҳамшира қиз ҳам кўнгиллилар сафида жанг-гоҳга отланди. 17 ёшлик романтик қиз ўзича фронт майдонида қаҳрамонлик кўрсатмоқчи эди. Афсуски, бундай бўлмади. Ҳамшира қиз биринчи тўқнашув пайтидаёқ асирга тушди. У бир неча ой мобайнида фашистлар лагерларида азоб-уқубат тортди. Кейин Украинанинг Локот қишлоғи партизанлари ёрдамида асирликдан қутулди. Бир қанча вақт партизанларга ҳамширалик қилди. 1942 йилга келиб партизанларнинг ҳолидан ҳам путур кетди. Улар ҳаттоки, ейиш учун нон ҳам топа олмайдиган даражага келишди. Бу уқубатларни Таня кўтара олмади. Ўзининг айрим партизан қуролдошларига қўшилиб, ЭСЭСчилардан паноҳ сўраб борди.

Эндигина 18га тўлган, хипчабел ва жуда гўзал Таня ўша пайтда Локот қишлоғида жойлашган ЭСЭСчилар раҳбарига ёқиб қолди ва уни "иш"га олишди. Биз бу ўринда "иш" сўзини бекорга қўштирноқ ичига олмадик. Чунки Таня жаллодликка ёлланган эди. Таъкидлаб ўтиш керакки, Таня жаллодликни ҳеч бир сесканмай амалга оширди. Архив маълумотларига қараганда, Таня ўз жаллодлик "фаолияти" давомида 168 нафар аскарни отиб ўлдирган. Унинг «Танька-пулумётчи» лақабини олишига сабаб эса, у ҳамиша ўлимга маҳкум қилинган асирларни пулумётдан отиб ўлдирган. Унга милтиқ, автомат ёки туппончани таклиф қилишганда, "Мен уларни битта-битта ота олмайман. Шунинг учун ҳам менга пулумёт керак", деб жавоб берган экан.

1943 йилларга келиб иккинчи жаҳон урушида туб бурулишлар бошланди. Украина, жумладан, Локот қишлоғи ҳам фашистлар қўлидан озод этилди. Энди Таняга орқага йўл йўқ эди. Шунинг учун ҳам у немис-фашистлари билан Германиягача чекиниб борди. Берлин ҳам забт этилгач, Танянинг яширинадиган жойи қолмади. Шундан кейин у йўлини қилиб, 1941 йилдан 1945 йилгача хизмат қилган ҳамшира, деган ҳужжат тўғрилаб олди. Бу ёғи унга жуда осон кечди. У беш йил давомида ҳарбий врач бўлиб ишлаган капитанга турмушга чиқди ва унинг фамилиясига ўтиб олди. Лекин локотликлар ҳали "Танька-пулемётчи"ни унутишмаган эди. Қолаверса, у ўз қилмишлари билан ўша пайтларда ўзининг жосуслик хизмати билан дунёга донг таратган собиқ СССРнинг КГБ аталмиш хизматининг ҳам рўйхатга тушган эди. Буни қаранг-ки, ўша йилларда дунёнинг ҳамма бурчагида ўз жосусларига эга бўлган КГБ ҳам Танянинг изини йўқотиб қўйди. Лекин узоқ йиллар давомида КГБнинг махсус хизмати ходимлари уни қидиришдан бир дақиқа бўлсин тўхтагани йўқ. Ва ниҳоят узоқ уринишлар натижасини берди. Орадан 40 йилга яқин вақт ўтиб, аниқроғи, 1978 йилдагина унинг изига тушишди.

Уруш йиллари Локотликлар унинг қадди-қомати ва ўта ёвузлигини эслаб қолишганди. Унинг эри, ҳарбий капитан ва тўрт нафар фарзанди эса аслида Танянинг кимлигидан бехабар эдилар. У изқуварлар ўйлаганидек қайси бир хорижий давлатда эмас, балки эри ва фарзандлари билан Белоруссиянинг чекка бир қишлоғида истиқомат қилар, қишлоқ врачлик пунктида ишлар ва энг асосийси, унинг сурати уруш ветерани сифатида ҳамиша ҳурмат тахтасида осиғлик турарди. Айнан ана шу ҳурмат тахтасидаги сурат унга панд берди. Белоруссиялик ва тақдир тақозаси билан Локот канслагерида ўтирган кекса жангчилардан бири "Танька-пулемётчи" ни таниб қолди ва бу ҳақда керакли ташкилотларга хабар берди.

Йўқ, "Танька-пулемётчи" бирданига ўзининг кимлигини тан олмади. У аввалига жанжал кўтарди. "Собиқ уруш ветерани"га нисбатан туҳмат қилаётганларни жазога тортишни талаб қилди. Ана шундан кейингина ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари Таняни Локотга олиб боришга қарор қилишди. Орадан қирқ йилга яқин вақт ўтиб, Таня ўзининг ёшликдаги ҳусн-малоҳатини йўқотган, бесўнақай семириб кетган бўлишига қарамасдан, локотликлар уни бирданига танишди. Айниқса, уни ўз уйига ижарага қўйган Мария исмли кампир ўша йилларда бўлиб ўтган фожиали воқеаларни ипидан-игнасигача эслади. Мария кампир "Танька-пулемётчи"га қарши кўрсатма берар экан, жумладан шундай деди:

– Дарҳақиқат, Таня менинг уйимда ижарада турган. Ўзини аслида партизан эканлигини, партизанларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ЭСЭСчиларга хизмат қилаётганини айтган. Мен унинг жаллодлигини тасодифан, уйда туз қолмай, унинг ишхонасига туз сўраб борганимда билиб қолганман. Унинг хонасида жуда кўп қонга ботган кийимлар бор экан. Мен ундан "бу кийимлар кимники?", деб сўрадим. У менга бугун қатл этилган одамларники эканлигини айтди. Мен яна ундан "бу кийимларни нима қиласан?", деб сўрадим. У эса менга кийимлардаги қон доғларини ювиб, кейин уларни сотишини айтди. Ана шундан кейин мен у берган тузни ҳам олмадим. Кейинги келганларида уйимга ҳам киритмадим. Мана, орадан қирқ йил ўтаётган бўлишига қарамасдан, мен уни танидим. Унинг қаттолликлари ҳақида ҳуқуқшуносларнинг олдида ҳам, қолаверса, яратганнинг олдида ҳам гувоҳлик беришга тайёрман...

Мария кампирнинг оташин нутқи "Танька-пулемётчи"нинг ҳам виждонини уйғотиб юборди, шекилли, ҳамма айбларини, жумладан, 168 нафар аскарни пулемётдан отиб ўлдирганини ҳам тан олди. У суд жараёнидаги сўнгсўзида шундай деган:

– Ҳурматли суд ҳайъати аъзолари!

Мен барча айбларимни бўйнимга оламан ва менга бериладиган ҳар қандай жазога розиман. Фақат биргина илтимосим бор. Менинг аслида ким эканлигимни ва турмушга чиқунимга қадар қандай ишлар билан шуғулланганимни эрим ва фарзандларим билишмасин. Майли, мени осасизларми ёки отасизларми розиман. Фақатгина уйимга юрак хуружи туфайли вафот этди, деб хабар берсаларингиз бўлди...

Дарҳақиқат, 1978 йилнинг кузида "Танька-пулемётчи"нинг уйига қандай хабар берилгани бизга номаълум. Лекин шуниси аниқки, суд ишида уни "Москвалик ҳамшира" ёки "Танька-пулемётчи", деб аташган. Унинг, эрининг ва болаларининг исм-фамилияси ёки яшаш манзили бирор жойда қайд этилмаган.

1978 йилнинг кузида "Танька-пулемётчи" ўзи ишлатган деб тахмин қилинган "Максимка" пулемётидан отиб ўлдирилди...

Сўзимизнинг сўнггида ота-боболаримизнинг "қасос қирқ йилдан сўнг ҳам қайтади", деган мақолини эслатиб ўтмоқчи эдик. Зеро, бу дунёда бировга қилинган яхшилик ҳам, ёмонлик жавобсиз қолмайди.

Хорижий оммавий ахборот воситалари материаллари асосида Ислом ҲАМРО тайёрлади

Mutolaa

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Минг йиллар давомида инсониятнинг буюк даҳолари — Ғарбда Афлотун ва Арастудан тортиб, Шарқда Форобий ва Яссавийгача, Амир Темур, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш-у, Абдурауф Фитратлар тарихий тараққиётнинг ички мантиқий тушунишга ва шу асосда жамиятни бошқаришнинг энг мақбул, адолатли усулларини жорий этишга ҳаракат қилганлар. Ана шундай сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи Тошкент Давлат юридик институтида юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашда ўқитилиши — давр талабидир.

ФЕРУЗА МУҲИДДИНОВА

СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

(Жаҳон мамлакатлари сиёсий—ҳуқуқий таълимотлари тарихи мисолида)

Ўзбек миллий давлатчилигининг асослари ўтмиш тарихий тажрибамизда, давлат фаолиятимизда, қадим даврлардаёқ илгари сурилган сиёсий-ҳуқуқий ғояларда ўз ифодасини топган. Давлатчилик тажрибамизни, унинг сиёсий, ҳуқуқий ғояларини ҳар томонлама ўрганиш муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу таълимотлар Қадим Турондаги илк ёзма манба "Авесто"да, "Шоҳнома"да, диний таълимотларда, жаҳон тан олган Ўрта Осиёлик қомусий олимларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотларида, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Хўжа Самандар Термизий қарашларида, жадидчилик, ғояларида, мустақиллик йилларда яратилган асарларда ифодаланган.

Истеъдодли ҳуқуқшунос Феруза Муҳиддинова томонидан ёзилган «Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар» қўлланмаси жаҳон халқларининг давлат, ҳуқуқ борасидаги оламшумул тарихий, илмий тажрибаларини ўзлаштириш, ўрганиш, ҳаётда тадбиқ этишга бағишланган.

Энг асосийси, ҳозирги кундаги сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий муаммоларни ҳал қилишда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи биз учун ғоят муҳим манбадир. Айниқса, Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда унинг назарий асосларини яратиш, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришда сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу маъно ҳуқуқшунос Феруза Муҳиддинованинг мазкур рисоласи бу борада олиб борилаётган изланишларнинг натижаси сифатида алоҳида қимматга эгадир.

А. ЎҲУЗЖОНИЙ,
юридик фанлари номзоди



Табиат мўъжизаси

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИ

У ҚАЧОН ЧЕКЛАБ ҚЎЙИЛАДИ?

Mitti maslahat

Ҳаётда инсоннинг ҳуқуқлари жуда кўп. Шуларнинг ичида энг шарафли ва масъулиятлиси, ҳеч шубҳасиз, ота-оналик ҳуқуқидир. Нега деганда, дунёга келган фарзандни тарбиялаш, уни баркамол қилиб вояга етказиш ҳар бир ота-онадан алоҳида масъулият, эътибор ва сабот талаб қилади. Зотан, бу ҳам ота-онанинг ҳуқуқи саналади.

Аммо ҳаёт ўз номи билан ҳаёт. Унда турли хил тақдирларга тўқнаш келиш мумкин. Хусусан, ҳаётда ўз зиммасидаги ота-оналик ҳуқуқини унутган кишилар ҳам учрайди.

Бундай вазият юзага келганда, қонунга биноан, ота-оналик ҳуқуқи чеклаб қўйилиши мумкин. Жумладан, Оила кодексининг 83-моддасига мувофиқ суд боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмай туриб, болани ота-онадан (уларнинг биридан) олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин. Болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқалар) бола учун хавфли бўлса, бундай ҳолатда ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Агар болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг ҳулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асослар аниқланмаган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқини чеклаш мумкин. Шунингдек, ота-она (улардан бири) ўз ҳулқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик идораси, суд томонидан ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилганидан сўнг олти ой ўтгач, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт. Шунингдек, васийлик ва ҳомийлик идораси боланинг манфаатларини инобатга олиб, ота-онани (улардан бирини) бу муддат ўтмай туриб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этишга ҳақли. Яна шуни айтиш керакки, ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги даъво боланинг яқин қариндошлари, вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти қонун билан зиммасига юклатилган идоралар ва муассасалар, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари, шунингдек, прокурор томонидан тақдим этилиши мумкин.

Шавкатбек ИСОҚОВ

ЖАҲЛ – ЖОҲИЛНИНГ ҚУРОЛИ

Суд очерки

Халқимизда шундай пурҳикмат нақл бор: жаҳл келганда ақл кетар. Бирор баҳонаи сабаб билан юзага келган жаҳлни ғазабга айланмай туриб жиловлай олиш, кишининг иродали эканидан далолат беради. Қолаверса, шундай вазиятда ақл-фаросатни йиға билиш инсоний фазилатдир. Бироқ ғазаб отига миниб, танг руҳий вазиятдан оқилона чиқа олмаганнинг ҳолига вой! Бундайин жоҳиллик оқибатини кейин минг бора пушаймонлар билан ўнглаб бўлмайди. Афсуски, ҳаётда айни шу каби ҳодисалар учраб туради.

Китоб туманидаги Қайчили қишлоғида яшайдиган, эндигина ўттиз баҳорни қаршилаган Фазлиддин Амиров жаҳл устида қариндоши Жамшидни ошхона пичоғи билан жароҳатлаб, унинг умрига зомин бўлди. Бу фожеани эшитган ҳар қандай одам аввалига бир сесканади. Кейин эса мулоҳаза қилиб кўради: хўш, қотилнинг ўзи ким? У қариндошига етти бор пичоқ санчишга қандай журъат этди? Қолаверса, бу фожеа рўй бермасликка ким мумкинмиди?

Бу каби саволлар беихтиёр Фазлиддиннинг шахсига бориб тақалади. Жаҳли чиққани учунгина у қотилликка қўл урмаган. Аслида маърифат ва эзгу амаллардан йироқ ўтган, илму ҳунар кўчасига кирмай, бирор касб-корнинг этагидан тутмай ёки ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай юрган бундай кимсанинг жиноят содир этгани тасодифий ҳол эмас. Бекордан худо безор, деб бежиз айтилмаган.

Яхшилар ҳаётидан ибрат олиб яшашга интилмаслик, ҳамма нарсани ўзим биламан, қабилида худбинликка берилиш охир-оқибат бошқалар ҳаётини менсимасликка олиб келади, маърифат зиёсидан ёришмаган қалбига хусумат ин қўяди. Фазлиддин Амировнинг жиноят ишига оид айблов хулосасида унинг муқаддам ҳеч жойда ишламагани, маст ҳолда безорилик қилиб юргани ва айни шу туриш-турмуш оқибати шафқатсизлик билан қасддан одам ўлдириш жиноятига олиб келгани қайд этилган. У дастлаб ўзининг туғишган синглиси Наргиза билан шу қишлоқда яшовчи холаваччаси Жамшиднинг илиқ муносабатда бўлиб турганини кўриб, қаттиқ жанжаллашиб қолган. Эртаси куни Жамшид Наргизани ўзи ишлаб турган жойга — Тошкент шаҳрининг Қибрай туманига бирга яшаш учун олиб кетади. Орадан бир ой ўтиб, улардан ҳол сўрагани борган Жамшиднинг онаси иккаласини қишлоққа олиб қайтади... Фуқаролар йиғини раиси ҳузурида уларнинг бирга яшаш ёки яшамаслик масаласи муҳокама этилиб, бирор-бир узил-кесил хулосага келинмагач, Наргиза туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилади ва даволаниш мақсадида касалхонага ётади. Айни пайтда Жамшид ҳам Фазлиддин мени уриб тан жароҳати етказди, деган мазмундаги ариза билан ички ишлар бўлимига мурожаат қилиб, йўлланма олиб туман суд тиббиёт экспертизасига борганида, Фазлиддинга дуч келади. "Сен мени шармандa қилдинг!", дея жаҳл билан унга ташланган Фазлиддин қасд олиш мақсадида чўнтагига солиб олган пичоғини чиқариб, унинг танасига бир неча бор санчади.

Jinoyat va jazo

Жамшид туман марказий касалхонасининг реанимация бўлимида жон беради.

Суд ҳукми билан Фазлиддин Амиров қонуний жазога тортилди. Бир йўла икки йигит умри завол топди. Жамшиднинг ота-онаси юрагида фарзанд доғи қолди. Оддий оилавий можародан бошланган жанжал қотилликкача бориб етиши, жанжалдан хабардор бўлган қишлоқ оқсоқолларининг лоқайдликлари, сусткашликлари кўпчиликни ҳушёр торттириши лозим. Фарзандларимизнинг юриш-туриши, орзу-ҳаваси, машғулоти, ёнидаги шериклари, дўст-биродарлари кимлиги — барчаси аввало, ота-онанинг, қариндош ва маҳалла-кўйнинг назаридан четда қолмаслиги керак. Акс ҳолда, юқоридаги каби ҳодисадан кейинги пушаймонликнинг нафи бўлмайди.

Отабек ТУРДИҚУЛОВ,
ҳуқуқшунос

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 3 4 5 6